

**Тошкент Молия институти Магистратура бўлими магистранти  
Бекчанов Алибек Шоназаровичнинг «Тижорат банкининг пасивларини  
бошқаришни такомиллаштириш» мавзусидаги магистрлик  
диссертациясига**

**АННОТАЦИЯ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади барқарор ва мустаҳкам иқтисодиётни барпо этиш билан бирга, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришдан иборатдир. Бунда, албатта, тижорат банкларга пасивларни жалб қилиш ва банк томонидан бериладиган кредитларнинг аҳамияти каттадир. Кредитлар банк активларининг асосий қисмини ташкил қилиб, даромад келтирувчи муҳим манбасидир. Шундай шароитда банк пасивлари сифатини янада яхшилаш ва пасивлардан унумли фойдаланиш, уларни бошқариш ва такомиллаштириш жуда муҳим. Банкга пасивларни жалб қилиб уларни иқтисодиётнинг турли бугинларига йуналтириб шу йул билан мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш даркор.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади тижорат банки пасивлари даромадлигининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқиб, уларни янада такомиллаштириш.

**Қилинган ечим ва таклифлар.** Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Тижорат банкларининг пасивларини бошқаришнинг методологик асосларига тадқиқ қилинди.
- Пасивлар таркиби ва сифатини таҳлил қилиш натижасида уларни бошқарилишини такомиллаштириш бўйича услубий йўналишлар таклиф этилди.
- Асосий даромад келтирувчи пасивларни жалб қилиш даражасини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, тижорат банклари даромадларини ошириш йўллариини ўрганиш асосида уларнинг активларидан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан банк пасивларини тугри бошқариш ва такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Диссертация натижалари Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари амалиётида кенг қўламда фойдаланиш мумкин.